Гандболда зарба беришда кинематик занжирнинг якуний халқаси гандболчининг зарба бераётган қўл панжаси ҳисобланади. Билакдан бармоқ учига тезлик узатиш бўғиндан – бўғинга ҳаракат сони механизми ёрдамда амалга оширилади, лекин бундан ташқари, ўзи мавжуд бўлган тезликка қўшимча қилиш ҳамда тўпнинг учиб йўналишини бошқариш учун қўл панжасининг ўзи билан бажариладиган ҳаракат муҳим. 3 – жадвал маълумотларига кўра, тўпнинг умумий учиб тезлигига қўл панжасининг қўшадиган ҳисса ҳулоса қилиш мумкин.

Зарба бериш пайтида тўпга бериладиган умумий тезликка қўл панжасининг қўшадиган ҳиссаси қўлдан чиқариб юборилган пайтдаги тўп тезлигининг горизонтал таркиби ва билак – панжа бўғими тезлигининг горизонтал таркиби ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқилади.

С.И.Дорохов (1983) маълумотларга кўра, қўл панжаси томонидан тўпга берилган тезлик ва қўлдан чиқариб юбориш пайтидаги тезлик ва қўлдан чиқариб юбориш пайтидаги тўп тезлиги ўртасида мавжуд корреляция коэффиценти 0,595-0,879 атрофида бўлади.

Шундай қилиб, гандболдаги зарба бериш – бу мураккаб координацияли техник усул бўлиб, уни бажариш учун кинематик занжирнинг ҳамма халқалари ишга туширилади. Зарба бериш ҳаракатлари учун умумий бўлган тамойилларга асосланиб қурилади. Лекин умумий тамойиллар билан бир қаторда тўпга тезлик беришнинг ўзига хос махсус механизмлар мавжуд.

Гандболда зарба бериш техникасини баҳолашнинг энг муҳим мезони тўпнинг учиш тезлиги, яъни тўпнинг у чиқариб юборилган пайдан бошлаб, то нишонга теккунга қадар бўлган учиш тезлиги ҳисобланади. Аслида тўпнинг учиб чиқиш тезлиги энг муҳим белгиловчи омил ҳисобланади, тўпнинг учиш тезлиги эса учиш давомида ўзгариши мумкин. Лекин гандболда (бунда ҳамма йирик мусобақалар ёпиқ биноларда ўтказилади ва тўпнинг босиб ўтадиган масофаси узоқ эмас ўртача 8,5 м) тезликнинг ўзгариш шунчалик кам бўладики, уни эътиборга олмаслик ҳам мумкин.

Зарба беришда тўпнинг учиб чиқиш тезлиги ва қўл панжасининг хиссаси ўртасидаги боғлиқлик (С.И.Дорохов, 1983)

Ўйинчи ампуласи	Ўйинчи малакаси	Зарбалар сони	Тўп X ўрта X макс. X мин.	Билак, м/с	Қўл панжаси хиссаси, м/с	Корреляция коэффиценти
Ярим ўрта	СУ	8	24,4 25,9 22,7	14,6 17,3 11,3	9,8±2,8	0,595
Ўрта	ХТСУ	9	14,6 17,4 12,2	10,7 11,9 8,6	2,9±1,4	0,879
Чизикдаги	ХТСУ	6	18,4 20 17,3	10,8 11,7 9,3	7,7±1,3	0,7

Спорт ўйинлари тажрибаси шуни кўрсатадики, зарба берилганда сўнг тўпнинг юқори тезлиги ҳимоячилар ва айниқса, дарвозабонга қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун дарвозанинг ишғол этилиши эҳтимолини ошириш омили ҳисобланган зарбанинг шиддатини такомиллаштиришга катта эътибор берилади. Табиийки, агар зарба шиддати (ва бунинг натижасида, тўпнинг учиш тезлиги) маълум миқдордаги машғулотларнинг мақсадига айланса, унда ушбу мақсадга эришишни назорат қилиш зарурият туғилади. Бунинг учун бу тезликни ўлчай билиш лозим. Илмий мақолаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, гандболда мазкур масала бўйича узоқ вақтдан бери шуғулланиб келадилар, лекин юқори малакали

спортчи томонидан бадарилган зарбалардан сўнг тўпнинг учиш тезлиги тўғрисидаги маълумотлар бир – бирига зид.

Сакраб туриб зарба беришда тўпнинг учиш тезлиги А.Н.Дачилов маълумотларига кўра (1973) $35,7 \pm 0,5$ м/с ни, С.И.Дорохов (1983) маълумотларига кўра $25,8$ м/с ни, В.П.Ивашченко (1982) маълумотларига кўра $23-33$ м/с ни ташкил этади.

Агар зарба таянган ҳолда бажарилган бўлса, тўпнинг учиш тезлиги куйидагига тенг деб аниқланган: А.Н.Даниловда $36,4 \pm 0,7$ м/с, С.И.Дороховда $-27,2$ м/с, В.П.Ивашченкодa $25-35$ м/с, И.В.Петрачевада (1986) ҳам таяниб, ҳам таянмаган ҳолда зарба беришда бир хил тезлик аниқланган $30-31$ м/с.

Бундай вазият тўпнинг учиш тезлигини қайд қилувчи усулиятлар ўртасида тафовут борлиги ва қисман уларнинг яхши такомиллашмаганлиги билан тушунтирилади. Шунинг учун кинематография ёрдамида қайд қилиш усуллиятидан фойдаланиш ҳолда зарба беришда тўпнинг учиш тезлиги ҳамда бошқа кинематик тавсифларнинг катталигини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказиш зарурияти юзага келади.

Тажрибада биз томонимиздан қўлланган юқори тезликда кинога олиш ёрдамида тўп билан зарба бериш тезлигини қайд қилиш усулияти унинг қийматларини аниқ белгилашга имкон яратди. Улар таяниб зарба бериш учун $26,75-33,3$ м/с, таянмаган ҳолда зарбалар бериш учун $25,12-29,93$ м/с сарфладилар, максимал қайд этилган тезлик $35,74$ м/с.

Зарба берилганда сўнг тўпнинг учиш чизиқ баландлигига асосан спортчининг гавда узунлиги аниқланади. Лекин тўпнинг учиш чизиқ баландлиги ва турли ўйинчиларнинг бўйлари ўртасидаги фарқ 21 см дан 33 см гача атрофида бўлади. Бу гандболчиларнинг ўйиндаги вазифалари (амплуаси) билан тушунтирилади. Орқа чизиқ ўйинчилари таянмаган ҳолда зарба беришда мумкин қадар баланд (рақиб “блоки” устидан тўпни ошириб ўтказиш ақсадида) сакрайдилар.

Инсоният пайдо булгандан буён дойимо харакатда ва ташки мухит билан узилмос мулокатдадир.Ташки мухит инсон организмига, инсон организмига эса уз навбатида ,ташки мухитига таъсир килади.Бу эса одам танасининг харакатини биомеханик жихатдан урганишга алохида эътибор беришни талаб килади.Жисмоний машклар биомеханикаси хакидаги замонавий тушунчалар биология ,механика ва жисмоний тарбия назариясига асосланган.Шу боисдан хар бир талаба биомеханика курсини яхши узлаштириши учун спортчи танасининг харакатларини мустакил тахлил кила олиши,спорт техникасини урганишда уз малакасини ошириши лозим булади.Амалий машгулотлар мувоффакиятли утиши учун талабалар биокнематика ,биодинамика,биостатика,спорт техникаси,узунлик ва вақт тушунчалари.физик катталиклар хакида назарий ва Амалий билим Ларга эга булишлари керак .

Ушбу кулланма биомеханикадан назарий ва амалий машгулотлар утказишга мулжалланган булиб ,унда жисмоний машкларнинг биомеханик тахлили берилган.Кулланмага киритилган амалий машгулотларнинг мазмуни талабаларга биомеханика курсидан олган билимларини янада чукурлаштириш ва кенгайтириш имконини беради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ.**

“Тасдиқлайман”
Низомий номидаги ТДПУ
ректори
“ _____ ” _____ 2006 й.

**Жисмоний машқлар биомеханикаси
фанидан ишчи дастур**

Билим соҳаси:	100000 – Таълим
Таълим соҳаси:	140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани
Бакалаврият йўналиши:	5141900 – Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

Тошкент – 2007 й.

Мазкур ўқув дастури олий ўқув юртлари учун мўлжалланган бўлиб “Биомеханика” ўқув фани бакалаврларни жисмоний тарбия ўқитувчиси, тарбиячиси касбий фаолиятига кенг назарий амалий тайёрлашни таъминловчи фан ҳисобланади. Шунингдек “Биомеханика” фани пайдо бўлиши жисмоний тарбия тизимида биомеханиканинг моҳияти ва ўрни “Биомеханика” фаннининг меъёрий дастури ва ташкилий асослари тавсифи ҳамда методикаси ўрганилган.

Тузувчи: ТДПУ ўқитувчиси Алимбоева Р.

Тақризчилар: Педагогика фанлар доктори профессор.академик Керимов Ф.А.
Педагогика фанлар номзоди Туленова Х.Б.

Кириш

1.1. Биомеханика фанининг максоди, талабаларни спорт ва жисмоний тарбия биомеханика асослари билан таништириш уларни жисмоний ҳаракатларнинг турли бўлимлари учун ўтказиладиган амалий, ўқув машқ ишларида жисмоний машқларни тўғри қўллашда керак бўладиган билимлар билан қуроллантириш, кўникма ва малакаларни шакиллантиришдир. Биомеханика курсини ўрганиш натижасида, бўлажак ўқитувчи одам ҳаракатларининг мураккаб томонларини аниқлашни ўрганишлари, уларни кўпгина факторларига боғлашлари ҳамда ўқитиш ва машқ жараёнида узлуксизлигини ўзгаришини аниқлаб олишлари зарур. Шу асосида улар ўрганувчилар билан олиб бориладиган амалий машғулотлар даврида ва илмий изланишларда профессионал педагогик малакаларни эгаллаб олишлари лозим.

1.2. Талабалар билимига қўйиладиган талаблар. Биринчи бўлимда талабалар умумий ва дифференциал биомеханика билан танишадилар.

Бу бўлимга кинематика, динамика, одам ҳаракат фаолиятининг энергияси, ҳаракат сифатлари биомеханикаси, одам ҳаракатларини бошқаришнинг биомеханик аспекти, шунингдек, маториканинг индивидуал ва гуруҳий хусусиятлари ҳамда спорт техник малакалари қиради.

Иккинчи бўлимда спорт ҳаракатларининг асосий гуруҳлари ҳақида умумий маълумотлар қўриб чиқилади.

1.3. Биомеханика фанини бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Биомеханика фани ўқитилишида талаба аввалги олинган курсларда олинган жисмоний тарбия бўйича билимларни билиши керак. Бундан ташқари жисмоний тарбия методикаси курсида ўқрайдиган атамалар ҳамда жисмоний тарбия сифатларини, методларини, принциплар мазмунини, спорт физиологияси, спорт психологияси, спорт турларининг назарияси ва унинг методикаларини, математика, физика механика бўлими, молекуляр физика ва электр, одам анатомияси, таянч ҳаракат аппарати бўлими, спорт метрологияси, физиология фанлари билан боғлиқдир.

1.4. Фанни ўқитишдаги янги технологиялар механика назарияси ва методикаси курсида плакатлардан, тарқатма материаллардан, ҳар хил жадваллардан, қўرғазмалардан қуроллардан ҳамда янги педагогик технология методларидан (кластра, бумеранг, елпигич ва бошқалар) фойдаланилади. Талабаларнинг мустақил ишлар ҳисоблаш-чизма ишларидан биомеханикадан талабаларнинг илмий ишларда қатнашишни ҳамда мустақил ишлашни ўз ичига олади.

1.5. Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалари.

Биомеханика фанини 1 – курс 1 – семестрда 20 – соатлик таълим олишади.

1.6. Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича жами:

1 – семестрда жами 10 соат, 4 соат маъруза, 6 соат амалий машғулоти ва 28 соат мустақил иш соатлари берилган.

1.7. Рейтинг жадвали

Умумий балл – 100 балл	ОН – 85 балл	ЯН – 15 балл.
86 – 100 = 5	яқуний назоратгача	15 - “5”
71 – 85 = 4	мак. балл – 85	12 - “4”
55 – 70 = 3	мин. балл – 47	9 - “3”

ОН вазибалари (85) чизма, янги педагогик технология, курс бўйича танланган мавзулар, тестлар, топшириқлар бўйича ишларни бажарадилар.

2. Лекция ва амалий машғулотлар мазмуни.

т/р	Боблар бўйича маърузалар номи ва мазмуни.	Жами ауд соати	Маърузалар соати	Лаборатория машғулотлар соати	О.Н. Я.Н.	Мустақил иш таълим соати
1	2	3	4	5	6	7
		53	18	16		19
1	Биомеханиканинг мақсади, мазмуни ва унинг таълим жараёнидаги ўрни. Биомеханикани ўқитишнинг мазмуни. Биомеханика, унинг пайдо бўлиши, тарихий траққиёти, талабаларнинг жисмоний ва техник тайёргарликларини ошириш учун биомеханика фани асосларини эгаллаш. Тирик системалардаги механик ҳаракатлар.	5	2	2		1
2	Одам танаси ҳаракатининг динамикаси. Динамикнинг асосий қонунлар ва тушунчалари. Куч ва куч моменти, куч импульси ва кинематик момент. Ньютон қонунлари. Илгариланма ва айланма ҳаракатларда тананинг инерт ўлчамлари. Одам танаси массаларининг геометрияси; одам танаси бўлақларининг умумий ва хусусий оғирлик марказлари, тананинг ҳажм ва сирт марказлар.	5	2	2		2
3	Биомеханик тизим бўлган одам танаси ҳаракат аппаратининг тузилиши. Биомеханик занжирлар. Тана бўлақларининг уланиши; биокнематик занжирлар ва жуфтлар (берк бўлмаган, берк ва тармоқланган даражалари) Тўла боғланганлик тўғрисида тушунча. Тебранувчи маятниклар ва ричакларнинг тезланиши ва мувозанат шартлари.	5		1		2
4	Ҳаракат сифати биомеханикаси. Куч, тезлик ва ҳаракатнинг давомийлиги. Кўчиш, тезлик ва ҳаракат давомийлиги, ҳаракат топшириғининг давомийлиги, тезлиги ва кучи оралиғида ўзаро боғлиқликни бўлмаслиги.	5	2	1		2
5	Дифференциал биомеханика. Спортда-техник маҳорат биомеханикаси деб аталиши. Тана тизими ва унинг моторикаси. Одам танаси тузилишининг унинг ҳаракат имкониятларига таъсири. Тана пропорцияси ва унинг конституцияси.	5	2	2		1
6	Кўрсаткичларни икки роли;	5	2	2		2

	Жисмоний тарбияда нима қила олади (турли туманлик ҳажми, техниканинг рационаллиги). Ушбу машқни қандай бажара олади. (Жисмоний тарбия техникасини эгаллашнинг эффективлиги). Мутлоқ ва солиштирма самарадорлик . Жисмоний тарбия техникасининг амалга ошириш самарадорлиги. Техникани амалга ошириш самарадорлигининг икки тури. Техниканинг эгаллашнинг биомеханик асослари.					
7	Хусусий биомеханика. Ўқ атрофида айланиш. Одам танасининг ва унинг бўлақларининг ўқ атрофида айланиши. Айланиа ҳаракат шартлари. Марказга интилма тезланиш манбаи. Ушлаб турувчи куч. Ушлаб турувчи ва айлантирувчи қисмларнинг ўзаро таъсири. Марказга интилма ва марказдан қочма кучлар. Мавжуд ва мавжуд бўлмаган марказдан қочма инерцион кучлар.	5	1	2		2
8	Одам танаси ҳаракатининг динамикаси. Динамиканинг асосий қонунлар ва тушунчалари. Куч ва куч моменти, куч импульси ва кинематик момент. Ньютон қонунлари. Илгарилама ва айланма ҳаракатларда тананинг инерт ўлчамлари. Одам танаси массаларининг геометрияси.	5	1	1		1
9	Тана ҳолатини сақлаш ва ўз жойида ҳаракатлар Одам танасининг мувозанати. Мувозанатдан чиқарувчи кучлар; уларнинг моментлари, жой ўзгартирувчи (ёки муозанатдан чиқарувчи) ва мувозанатловчи. Тана ҳолатини сақлашда мушак ишининг статик турлари.	5	2	1		2
10	Локомотор ҳаракатлар. Ер усти ва мушт билан ўзаро таянч ҳосил қилиб бўладиган локомотор ҳаракатлар. Таянчдан итарилиш механизми. Таянч билан таянадиган ҳаракатланувчи тана бўлагининг ўзаро таъсири. Таянчдан итарилишда таянчнинг реакцияси. Мувозанатловчи кучлар ва уларни ташкил этувчилар.	5	1	1		2
11	Жой ўзгартирувчи ҳаракатлар. Спорт снарядларига тезлик бериш усуллари. Спорт снарядлари учишнинг механик асослари. Тўпнинг учиши ёки таянчдан сапчиш механикаси	3	1	1		2

3. Маъруза машгулотлари мавзулари (18 соат)

1. Биомеханика хақида тушунчалар ва унинг пайдо бўлиши.
2. Жисмоний тарбия тизимида биомеханиканинг моҳияти.
3. Биомеханиканинг асоси бўлган одам танаси ҳаракат аппаратининг тузилиши.
4. Ҳаракат апарати биомеханикаси.

5. Дифференциал биомеханика (Тананинг хусусий ва умумлашган хусусиятлари).
6. Хусусий биомеханика.
7. Тана ҳолатини сақлаш ва ўз жойида ҳаракатлар: одам танасининг мувозанати.
8. Одам танаси ҳаракатининг динамикаси.
9. Локомотор ҳаракатлар.

4. Амалий машгулотлар (16 соат)

1. Тана ҳаракат биомеханикаси асосида машгулот.
2. Югуриш ва сакраш киноциклограммаларни чизиш.
3. Ҳаракат кинематикасига оид масалар ечиш.
4. Югуриш ва сакраш киноциклограммаси бўйича тўғри чизикли хронограмма чизиш.
5. Сакраш киноциклограммаси бўйича тезлик графигини чизиш
6. Югуриш киноциклограммаси бўйича тезлик графигини чизиш.
7. Айланиш машини бажараётган талабанинг бурчак тезлигини аниқлаш.
8. Югуриш киноциклограммаси орқали тезланиш чизмасини чизиш.
9. Сакраш киноциклограммаси орқали тезланиш чизмасини чизиш.
10. Айланиш машини бажараётган талабанинг бурчак тезланишни аниқлаш.
11. Одам танаси умумий огирлик марказини аналитик усул билан аниқлаш.
12. Чизма усули билан одам танасининг умумий огирлик марказини аниқлаш.
13. Механик тажриба.
14. Мушаклар биодинамикаси.
15. Енгил атлетикада тезланишни аниқлашга оид масалалар ечиш.
16. Ўйинлар жараёнида тезликни аниқлашга оид масалалар ечиш.

5. Мустақил иш мазмуни (19 соат)

Мустақил таълим мавзуси талабаларга семестр мобайнида ўтилган маърузалар ва амалий дарслар асосида берилган биомеханика ва уни ўқитиш методикаси фани ўқув муассасалари болаларида қўлланилади. Бу эса талабада биомеханика фани бўйича кўникма ва малакасини оширишга ёрдам беради.

1. Спортчининг ҳаракат расми қандай олинади.
2. Киносъёмка усули нимадан иборат.
3. Югуриш цикли билан сакраш цикли орасида қандай ухшашлик ва фарқ бор.
4. Ишқаланиш кучининг спортчи югуриш ва сакрашга таъсирини тушунтириб беринг.
5. Депсиниш циклида спортчи қандай кучларга қарши иш бажаради.
6. Сакраш ва югуришда спортчи танасинг қайси қисмлари кўпроқ иш бажаради.
7. киноциклограммага қараб спортчи ҳаракатининг қайси қисмлари кўпроқ иш бажаради.
8. Хронограмма нима. Сиз қандай хронограммани биласиз.
9. Ҳаракат ритми деганда нимани тушунасиз.
10. Ҳаракат фазаларини тушунтиринг.
11. Югуриш ва сакраш хронограммалари орасида қандай ўхшашлик ва қандай фарқи бор.
12. Спортчи танасининг ўртача тезлиги деб нимага айтилади.
13. Оний тезлик нима.
14. Текис ва нотекис ўзгарувчи ҳаракатлар деганда қандай ҳаракатларни тушунасиз.
15. Тебрама ҳаракатга мисоллар келтиринг.
16. Югураётган спортчининг тезлиги қандай топилади.
17. Расмга қараб югураётган спортчи биоқисмларининг тезликларини тушунтириб беринг.
18. Югуриш пайтида қайси мушаклар энг кўп иш бажаради.
19. Югуриш жараёнида кувватнинг бир турдан бошқа турга айланишини тушунтириб беринг.
20. Айланма ҳаркат деб қандай ҳаракатга айтилади.

21. Айланиш бурчаги нима. Радион улчови нима.
22. Бурчак тезлигини тушунтиринг.
23. Жисмоний машкнинг биокинематик схемаси бўйича бурчак тезлигини қандай аниқлаш мумкин.
24. Сакраш киноциклограммаси орқали чизилган тезланиш чизмасидан нималарни ўрганиш мумкин.
25. Қандай ҳаракат ўзгарувчан ҳаракат деб юритилади.
26. Тезланиш деб нимага айтилади. Ҳаракат тезланишларнинг қандай турларини биласиз.

6. Яқуний тест соволлари.

1. Биомеханика фаннинг маъноси.
 - А. ҳаракат техникасини урганади.
 - Б. тезликни урганади.
 - В. одам ҳаракатларининг мураккаб томонларини урганишди.
 - Г. машклардан тугри фойдаланишни урганади.
2. Биомеханика фанини ривожланишига ҳисса қушган олимлар.
 - А. П.Ф.Лестгафт, И.М.Сеченов, А.А.Ухтомский, Н.А.Бернштейн.
 - Б. П.Ф.Лестгафт, И.М.Сеченов, П.В.Платонов.
 - В. И.М.Сеченов, П.В.Платонов.
 - Г. П.Ф.Лестгафт, Н.А.Бернштейн.
3. Биомеханика фани қайси фанлар билан боғлиқ.
 - А. Физиология, анатомия, тарих.
 - Б. Физика, математика, одам анатомияси, спорт метрологияси.
 - В. Биохимия, информатика.
 - Г. Физика, математика, фалсафа.
4. Биомеханика фани қандай қисмлардан тузилган.
 - А. Мехнат ва жисмоний машгулотлар биомеханикаси.
 - Б. Ҳарбий ишлар ва мехнат биомеханикаси.
 - В. Даволаш ва инженерлик биомеханикаси.
 - Г. Умумий ва хусусий биомеханикаси.
5. Биомеханик усуллар қайсилар.
 - А. Киносъёмка, циклография
 - Б. Фотоаппарат, Киносъёмка.
 - В. Циклография, Фотоаппарат.
 - Г. Киноаппарат, Фотоаппарат.
6. Киносъёмка нима.
 - А. Фотоаппарат ва миллиметрли коғозга чизиш.
 - Б. Одам ҳаракатини изохлаш.
 - В. Фотоаппарат ёрдамида фотоплёнкага лавҳалар олиш.
 - Г. Динамик ҳаракатлар.
7. Хронограмма нима.
 - А. Ҳаракатнинг вақт диаграммаси бўлиб лавҳалар асосида тузилади.
 - Б. Горизантал уқ бўйича ҳаракатлар.
 - В. Ҳаракат фазасига кетган вақт.
 - Г. Ритмни урганиш.
8. Циклография нима.
 - А. Киноаппаратда иш олиб бориш.
 - Б. Ҳаракат тезлигини урганиш.
 - В. Одам танасининг расми битта фотопластинкага лавҳалар олиш.
 - Г. Кординациялар жадвалини тузиш.
9. Ритм нима.

- А.тугри чизик.
 Б.Айланма харакат.
 В.Харакат фазаси.
 Г.Харакатнинг тез еки секин утаётганлиги.
10. Биомеханик харакат фазаларини тушинтиринг (Югуриш мисолида).
 А.Депсиниш,учиш,ерга куниш.
 Б.Учиш, ерга куниш.
 В. Депсиниш,учиш.
 Г. Ерга куниш, депсиниш.
- 11.Югураётган спортчининг тезлиги кандай аникланади.
 А.Тезланишни аниклаш формуласи билан.
 Б.Коэффицентни аниклаш формуласи билан.
 В.Тариф буйича.
 Г.ушбу формула билан $V=wx/10b$.
- 12.Тебранувчан харакат деб нимага айтилади.
 А.Харакат вақтида тананинг айрим қисмлари даври узгарувчан харакатлар қилади.
 Б.Югураётган спортчи тезлиги.
 В.Харакат вақтида тезлик узгариши.
 Г.Харакат динамикаси.
- 13.Югуриш вақтида қайси мушаклар энг юкори иш бажаради.
 А.Кул ва оёқ мушаклари.
 Б.Бел ва оёқ мушаклари.
 В.Кул ва бел мушаклари.
 Г. Бел ва кул мушаклари.
- 14.Айланма харакат нима.
 А.Одам танасининг ҳамма нуқталари айлана чизиги буйича харакат қилиши.
 Б.Харакатнинг бурилиш бурчаги.
 В.Айланиш частонаси.
 Г.Харакат тезлиги.
- 15.Айланиш бурчаги нима.
 А.Айланиш вақтига тенглиги.
 Б.Айланма харакатдаги тананинг айрим қисмлари харакатнинг айланиш бурчагига тенг.
 В.Бурчак тезлиги.
 Г.Харакат частотаси.
- 16.Одам танаси умумий огирлик маркази деб нимага айтилади.
 А.Тананинг ҳамма қисмларига таъсир этувчи огирлик кучларининг йигиндиси қуйилган нуқтага айтилади.
 Б.Тананинг физиологик тизим хусусиятларига ,унинг холатига айтилади.
 В.Овқат хазим қилиш органлари фаолиятига айтилади.
 Г.Юрак-кон томир ва бошка тизимлар вазифасига айтилади.
- 17.Кул панжасининг умумий огирлик маркази қайерда жойлашган булади.
 А.Бармоқларда.
 Б.бугимларда
 В.иккинчи бармоқ бошланадиган жойда.
 Г.Учинчи бармоқ бошланган жойда.
- 18.Бошнинг умумий огирлик маркази қайерда жойлашган.
 А.Икки кош уртасида жойлашган.
 Б.Икки чакка қисмида жойлашган.
 В.жаг остида жойлашган.

- Г. энгак остида. жойлашган.
19. Базлер улчови кандай принцип асосида ишлайди.
 А. Аналитик усул асосида.
 Б. Ричаклар принципи асосида.
 В. Ричакнинг муозанат шартлари асосида.
 Г. Умумий огирлик марказини аниклаш асосида.
20. Спортчи танасининг тургинлик даражасини аникловчи асбоб нима деб аталади.
 А. Амперметр
 Б. Волтметр.
 В. Базлер.
 Г. Термометр.
21. Ричаклар деб нимага .
 А. Муозанат холатига айтилади.
 Б. Чизик билан таянч сатхининг кесишган нуктасига айтилади.
 В. Кучлар таъсирида уз уки атрофида айланувчи каттик жисмларга айтилади.
 Г. Кучлар таъсирида моментлар бир бирига булишига айтилади.
22. Ричак укининг жойлашишига караб неча тартибли ричаклар булади.
 А. Биринчи, бешинчи.
 Б. Иккинчи, учинчи.
 В. Учинчи, туртинчи.
 Г. Биринчи, иккинчи.
23. Д. Базлер томонидан нечанчи йилда “базлер улчови” тавсия этилган.
 А. 1946 йилда.
 Б. 1927 йилда.
 В. 1924 йилда.
 Г. 1955 йилда.
24. Одам энергияси деб нимага айтилади.
 А. Бу иш кобилиятини саклашдаги захира.
 Б. Бу тезлик кучининг ишлатилишидир.
 В. Бу айланма харакат.
 Г. Бу портлавчи куч харакати.
25. Тананинг энергия турларини айтинг.
 А. Ички тана энергия, ташки тана энергия.
 Б. Механик тана энергия, кинематик тана энергия, потенциал тана энергия.
 В. Ички тана энергия, кинематик тана энергия.
 Г. Ички тана энергия, ташки тана энергия, потенциал тана энергия.
26. Тана куч иши даб нимага айтилади.
 А. Бу кучнинг инсон танаси харакати натижасида вужудга келган кучни тушунамиз.
 Б. Портловчи куч нисбатига айтилади.
 В. Мускул кучининг харакат тезлигига айтилади.
 Г. Куч харакатини тезланишга купайтмасига айтилади.
27. Биринчи тартибли ричак деб намага айтилади.
 А. Агар ричагга таъсир этувчи куч айланиш укининг икки томонида жойлашган булиб, унинг йуналиши бир хил булса бундай ричаклар биринчи тартибли дейилади.
 Б. Агар ричагга таъсир этувчи куч айланиш укининг икки томонида жойлашган булиб, унинг йуналиши айланма булса бундай ричаклар биринчи тартибли дейилади.
 В. Агар ричагга таъсир этувчи куч айланиш укининг икки томонида жойлашган булиб, унинг йуналиши хар хил булса бундай ричаклар биринчи тартибли дейилади.
 Г. Агар ричагга таъсир этувчи куч айланиш укининг икки томонида жойлашган булиб, унинг йуналиши нотекс булса бундай ричаклар биринчи тартибли дейилади.
28. Базлер асбоби кандай тузилган.

- А. Узинлиги 2м ли тахта, динамометр, тарози.
 Б. Кузгалмас таянч, Узунлиги 2м ли тахта.
 В. Узинлиги 2м ли булган калин тахта, кузгалмас таянч, динамометр.
 Г. Кузгалмас таянч, динамометр.
29. Иккинчи тартибли ричаг деб намага айтилади.
 А. Агар одам танасининг огирлиги ва динамометр курсатиши аниқ булса бу иккинчи тартибли ричаг деб аталади.
 Б. Агар кучлар карама карши йуналишда булса бу иккинчи тартибли ричаг деб аталади.
 В. Агар ричакка таъсир этувчи куч ричак айланиш уки томонга жойлашган булиб бир бирига карама карши йуналган булса бу иккинчи тартибли ричаг деб аталади.
 Г. Ричаг елкасига таъсир этувчи кучнинг моментига иккинчи тартибли ричаг деб аталади.
30. Харакат структура тизилмаси нима.
 А. Харакат структура тузилмаси бу бушликда харакатнинг узаро боғлиқ қонунияти вақтида ва вақтда шунингдек харакатлар тизилмасида куч ва энергиянинг биргаликдаги харакат тизилмасидир.
 Б. Харакат структура тузилмаси бу бушликда харакатнинг узаро боғлиқ қонунияти вақтида ва вақтда шунингдек харакатлар тизилмасида куч ва энергиянинг биргаликдаги харакат тезлиги тизилмасидир.
 В. Харакат структура тузилмаси бу бушликда харакатнинг узаро боғлиқ қонунияти вақтида ва вақтда шунингдек харакатлар тизилмасида куч ва энергиянинг биргаликдаги ҳажми тизилмасидир.
 Г. Харакат структура тузилмаси бу бушликда харакатнинг узаро боғлиқ қонунияти вақтида ва вақтда шунингдек харакатлар тизилмасида куч ва энергиянинг биргаликдаги харакат айлана тизилмасидир.
31. Харакат тузилмаси неча хил.
 А. Кнематик ва динамик.
 Б. Кнематик ва потенциал.
 В. Динамик ва кнематик.
 Г. Динамик ва статик.
32. Биомеханик умумий тизим турларини айтинг.
 А. Ритмик, фазовий, динамик.
 Б. Ритмик, фазовий, координацион тизим.
 В. Динамик ва кнематик, фазовий.
 Г. Динамик, статик, ритмик.
33. Одам иш қобилиятини аниқлаш усулини ким томонидан нечанчи йилда амалиётга киритилган.
 А. 1969 йил олим В.Л. Карпман гуруҳи томонидан киритилган.
 Б. 1927 йил Д. Базлер томонидан киритилган.
 В. 1924 йил П.Ф. Лестгафт томонидан киритилган.
 Г. 1919 йил А.А. Ухтомский томонидан киритилган.
34. Шугулланувчи узунликка сакрайди. Агар учиш фазасида шугулланувчи гавдасининг огирлик маркази депсиниб чиқиш бурчаги 21 градус булса бунда ердан итарилишнинг охириги дақиқаларидаги натижавий тезликни аниқланг.
 А. 8.74 м/с.
 Б. 8.72 м/с.
 В. 8.70 м/с.
 Г. 8.71 м/с.
35. Шугулланувчи тезлиги қайси формула билан аниқланади.
 А. $V = S/t$.
 Б. $T = n/s$.
 В. $L = l/n$.
 Г. $N = \Pi /t$.

36. Куч momenti деб нимага айтилади.

А. Кучнинг шу кучга қуйилган елкага қупайтмасига айтилади $M = G \cdot L$.

Б. Кучнинг шу кучга қуйилган елкага юзасига айтилади $T = n/s$.

В. Кучнинг шу кучга қуйилган елкага узунлигига айтилади $L = 1/n$.

Г. Кучнинг шу кучга қуйилган елкага нормаси айтилади $N = \Pi / t$.

8. Якуний назорат – вариантлар буйича оғзаки олинади.

8. Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ахмедов.Б.А “Биомеханика ” (Кундузги ва сиртки бўлимида ўқийдиган талабалар лекциядан методик қўлланма) Тошкент 1990 й.
3. Ахмедов. Б.А “Велотренажерда ишлаш” Тошкент-1990 й.
4. А.С Аруян, В.М Зациорский “Эргономическая биомеханика”М.1989 г.
10. В.Л Уткин “Техника движений” М.1987 г.

Еш гандболчи кизларни бошлангич тайёргарлик даврида уларга индивудал ёндошган холда ургатиш.

Спорт уйинлари жамоали уйин булганлиги учун спортчиларни хар бири билан индивудал ёндошиш бирлиги тамоили укув тренировка жараёнини ташкил килишда ката ахамиятга эга .Жисмоний ургатиш хар бир спортчига индивудал ёндошиш билан бир катторда мураккаб техник тактик харакатларга мувофакиятли ургатишни таъминлайди.

Жамоали ургатишда тренернинг берадиган материалининг энгиллиги шугулланувчиларнинг харакат тажрибаси спортчилардаги машгулотларга булган муносабатларини хисобига олмок лозим.

Машгулот фаолияти шугулланувчиларнинг индивудал хусусиятларини хисобга олган холда ташкиллаштириш. Жамоали шугулланишнинг бирлигини таъминлаш ва энгиллатиш учун жисмоний хамда харакат таёргарлиги индивудал хусусиятлари бир бирига якин булган спортчиларни гурухларга бирлаштириш лозим.

Харакатларга ургатиш даражасига караб шугулланувчиларни учта гурухга булиш мумкин.

Биринчи гурухга жисмонан яхши ривожланган оддий ва мураккаб харакатларни аёло даражада хамда ва яхши лекин секин узлаштирадиган шугулланувчилар киритилади.

Иккинчи гурухга харакатларни уртача ва буш узлаштирадиган шугулланувчилар киритилади.

Жисмоний тайёргарлик белгиларига гурухларни шакиллантиришда шуни эътиборга олиш лозимки ,куч машклариде буш булган шугулланувчилар узининг чидамлилигини талаб этадиган машкларда кучли булиши мумкин.

Битта гурухга киритилган хамма шугулланувчиларнинг ривожланганлик даражаси бир хил булиши лозим .

Демак ушбу таъмоилни амалга ошириш бир катор шартларнинг бажарилишини талаб этади.

-машгулотларда дустона ердам мурувват курсатиш рухини яратган холда жамоали шугулланишни таъминлаш.

- жамоали шугулланиш шароитларда индивудал ёндошишни таъминлаш.

- шугулланувчилар психологиясининг индивудал хусусиятлари, шунингдек шугулланиш сабабларини хисобга олиш.

- жамоали машгулотлар шароитларда самарали индивудаллаштириш услуби сифатида дастурлаштирилган машгулотларни куллаш.

-спортчининг анторметрик, жисмоний, рухий ва бошка белгиларини хисобга олиб ургатилаётган харакат кисмларига булган талабларни индивудаллаштириш.

Бу спортчининг шахсий хусусиятларини унинг куч ва имкониятларини машгулот пайтидаги куч келиш ва талабларга мос булишини хисобга олиб тренировка утказишни талаб килади. Жисмоний машклар уларни шакли харакати жадаллигини давом этиши шунингдек бажариш усуллари шугулланувчиларнинг жинсига ва ешига жисмоний тайёргарлигига ва

соғлигига мос келиши керак. Иродавий фазилатларни, меҳнатсеварликни ва бошқа хислатларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Индивидуал жихатдан ёндашиш спортчи органлари ва системаларини мустахкамлаш учун унинг кучини, тезкорлигини, чидамлиликини ва чаққонлигини ошириш учун жисмоний машқларни танлашда ва тадбиқ этишда ниҳоят муҳимдир. Бу сиз юқори спорт маҳоратига эришиб бўлмайди.

Спортчиларнинг шахсий имкониятларини, аввал врач назорати, педагогик кузатиш назорат (кучни, тезкорликни чидамлиликини, эгилувчанликни, техникани ва бошқаларни синаб кўришга мўлжалланган) машқлар билиб олинади.

Юқорида айтилганлардан машқларни ва тренировкада куч беришни такрорлашдан мақсад имкониятларини ошириш ва уларни мустахкамлаш экани келиб чиқади.

Машғулотлар давомида спортчи натижалари мунтазам текширилиб, спортчида эришилган ютуқлар спортчининг тайёргарлик даражасидан куч ва бўш томонларини аниқлаб, аниқланган натижаларга қараб тренировка режаларини тузиш ва уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш имкониятини беради.

Индивидуаллаштириш билан кўп жихатдан тренировканинг жорий, йиллик ва ойлик режалар ёрдамида амалга оширилади.

«Тасдиқлайман»
_____ кафедраси мудири

« _____ » _____ 2007йил

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналишига
Жисмоний машқлар биомеханикаси фани бўйича жорий ва оралик
назорат саволлари

Тузувчи: ўқитувчи Алимбоева Р.Д.

Кафедранинг 2007 йил _____ март _____ сонли йиғилиши қарори

Тошент – 2007 йил

Жисмоний машқлар биомеханикаси фани бўйича жорий баҳолаш саволлари

1 Жорий амалий

1. Биомеханика хақида тушунчалар ва унинг пайдо бўлиши.
2. Жисмоний тарбия тизимида биомеханиканинг моҳияти.

2 Жорий амалий

1. Ҳаракат апарати биомеханикаси.
2. Дифференциал биомеханика (Тананинг хусусий ва умумлашган хусусиятлари).

3 Жорий амалий

7. Тана ҳолатини сақлаш ва ўз жойида ҳаракатлар: одам танасининг мувозанати.
8. Одам танаси ҳаракатининг динамикаси.

4 Жорий амалий

1. Локоматор ҳаракатлар.

Жисмоний машқлар биомеханикаси фани бўйича оралиқ баҳолаш саволлари

1-оралиқ ёзма баҳолаш саволлари

1. Вариант

1. Биомеханика хақида тушунчалар ва унинг пайдо бўлиши.
2. Жисмоний тарбия тизимида биомеханиканинг моҳияти.
3. Ҳаракат аппарати биомеханикаси.
4. Хусусий биомеханика.
5. Югуриш киноциклограммаларни чизиш.

2. Вариант

1. Биомеханиканинг асоси бўлган одам танаси ҳаракат аппаратининг тузилиши.
2. Тана ҳолатини сақлаш ва ўз жойида ҳаракатлар: одам танасининг мувозанати.
3. Одам танаси ҳаракатининг динамикаси.
4. Ҳаракат кинематикасига оид масалар ечиш.
5. Сакраш киноциклограммаси бўйича тўғри чизикли хронограмма чизиш.

3. Вариант

1. Ҳаракат аппарати биомеханикаси.
2. Дифференциал биомеханика (Тананинг хусусий ва умумлашган хусусиятлари).
3. Хусусий биомеханика.
4. Мушкул кучини аниқлаш бўйича масала ечиш.
5. Айланиш машини бажараётган талабанинг бурчак тезланишни аниқлаш.

4. Вариант

1. Одам танаси ҳаракатининг динамикаси.
2. Локомотор ҳаракатлар.
3. Ҳаракат ритми.
4. Ҳаракат фазалари.
5. Тана юзасини аниқлаш.

5. Вариант

1. Ер усти ва мушт билан ўзаро таянч ҳосил қилиб бўладиган локомотор ҳаракатлар.
2. Таянчдан итарилиш механизми.
3. Таянч билан таянадиган ҳаракатланувчи тана бўлагининг ўзаро таъсири.
4. Таянчдан итарилишда таянчнинг реакцияси.
5. Енгил атлетикада тезланишни аниқлашга оид масалалар ечиш.

6. Вариант

1. Динамиканинг асосий қонунлар ва тушунчалари.
2. Куч ва куч моменти, куч импульси ва кинематик момент.
3. Ньютон қонунлари.
4. Илгарилама ва айланма ҳаракатларда тананинг инерт ўлчамлари.
5. Ўйинлар жараёнларида тезликни аниқлашга оид масалалар ечиш.

27.8. Махсус куч илатиладиган машқларга қўйиладиган биомеханик талаблар. Умулашган таъсир методи.

Маълумки асосий мусобақа ҳаракатларини бажаришда намоён бўладиган техника ва ҳаракат сифатларини такомиллаштириш учун мўлжалланган машқлар махсус машқлар деб аталади. Агар бу машқлар мусобақа ҳаракатларига етарлича яқин бўлса, ўз вазифасини бажаради. Биомеханик нуқтаи назардан бундай машқлар динамик мослик принципини қониқтириш керак (Ю.В. Верхошанский фикрига асосан), қўлидаги мезонларга мос келиши керак:

а) ҳаракат амплитудаси ва йўналишига, б) ҳаракатнинг ишчи амплитудасининг куч қўйиладиган қисмига, в) таъсир кучи (ёки мускул тортиш учун) катталигига, г) таъсир кучи максимумининг ривожланиш тезлигига, д) мускулларнинг ишлаш тартибига.

Масалан, энгил атлетикада ҳозир ҳам, тос – бокса қисмида оёқни эгувчи мускуллар кучини ривожлантириш учун тик турган ҳолда штанга дискини бўкса билан кўтаришдан фойдаланилади. Бироқ бу машқда ҳаракат амплитудаси ҳам ёки ҳаракатнинг бошқа бир муҳим қисми югуриш ва сакрашдаги ҳаракатларга мос келмайди. У ерда бўксани эгувчи мускулларнинг иши жамланадиган қисми – «бўксани олдинга кўтаришнинг» энг бошида тос – бокса қисмида тахминан 210^0 , боксада оғирликни кўтаришда – 90^0 га тенг. Мускул гуруҳлари чопиш ва сакрашга анча яқин шароитларда ривожланадиган бир неча махсус машқлар бор (48 - расм).

Замонавий спорт сунъий катталаштирилган қаршиликли асосий мусобақа ҳаракатлари махсус куч ишлатиладиган машқлар сифатида қўлланиладиган оғирлаштирилган снарядларни отиш, қум бўйлаб ёки тоққа томон қўшимча оғирлаштирилган сакраш, чопиш, юриш (масалан қўрғошин аралаштирилган резинкадан камар ёки нимчалар билан) ва ҳ.қ. бунда бир вақтнинг ўзида ҳаракат сифатлари ва ҳаракат техникаси такомиллаштирилганлиги учун ушбу методик йўналиш умулашган таъсир методи деб аталади (В.М. Дьячков).

28. Тезлик сифатларининг биомеханик тавсифи

28.1. Тезлик сифатлари ҳақида тушунча.

Тезлик сифатлари инсоннинг берилган шароитда энг қикса вақт ичида ҳаракатланиш қобилияти билан тавсифланади. Бунда топширикни бажариш қикса вақт давом этиши ҳамда чарчоқ билинмаслиги кўзда тутилади.

Тезлик сифатлари намоён бўладиган учта асосий (элементар) турлари ажратиб кўрсатилади:

1) бир киши бажарадиган ҳаракат тезлиги (ташқи қаршилик кичик бўлганда), 2) ҳаракат частотасини, 3) яширин реакция вақти.

Бир киши бажарадиган ҳаракатлар тезлиги, ҳаракат частотаси ва ҳар хил одамларда корреляция (бир – бирига ўхшашлик) жуда кам. Масалан, реакция тезлиги катта бўлиши билан бир пайтда ҳаракатлар нисбатан суст бўлиши мумкин ва аксинча. Тезлик сифатларининг элементар турлари нисбатан бир – бирига боғлиқ эмас деганда ана шулар назарда тутилади.

Амалиётда одатда тезлик сифатларининг мажмуавий намоён бўлишига дуч келишига тўғри келади. Масалан, спринтерлик югуришда натижа стартдаги реакция вақтида, алоҳида ҳаракатлар тезлигига (силтаниш, бўксаларнинг таянчсиз фазада кўшилиши) ва қадамлар частотасига боғлиқ бўлади. Яхлит, мураккаб координацияланган ҳаракатда эришиладиган тезлик нафақат спортчининг тезлик сифатларига, балки бошқа сабабларга ҳам (масалан, югуриш тезлиги – қадам узунлигига, бу эса ўз навбатида оёқ узунлигига, силтаниш кучи ва техникасига) боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам у тезлик сифатларини фақат бевосита тавсифлайди ва сифатлар намоён бўлишининг айнан элементар шакллари энг кўргазмали ҳисобланади.

Циклик хусусияталрга эга ҳаракатларда тезлик бевосита ҳаракат частотаси ва бир цикл давомида босиб ўтиладиган масофа («қадам» узунлиги) билан аниқланади:

$$v = f \cdot l$$

бу ерда v - тезлик, f - частота, l - «қадам» узунлиги.

Спорт малакаси ошиши билан (ва демак, ҳаракатнинг максимал тезлиги ошиши билан) ҳаракат тезлигини аниқловчи ҳар иккала ташкил этувчи ортади. Бироқ, спортнинг ҳар хил турларида турличадир. Масалан, конькида югуришда «қадам» узунлигининг ортиши асосий аҳамиятга эга, сузишда эса ҳар иккала ташкил этувчи тенг даражада. Ҳар хил спортчиларда максимал ҳаракат тезлиги бир хил бўлганда қадам узунлиги ва частотасида сезиларли фарқ қилиши мумкин.

28.2. Тезлик динамикаси

Ҳаракатланаётган жисм тезлигини ўзгариши, яъни $v = f(t)$ ёки $v = f(e)$ кўринишдаги функция тезлик динамикаси дейилади, бу ерда v - тезлик, t - вақт, l - йўл, f - функционал боғланиш белгиси.

Спортда максимал тезликнинг намоён бўлишини талаб қилувчи икки турдаги топшириқ мавжуд. Биринчи ҳолда максимал оний тезликни кўрсатиш зарур (сакраш – силташ пайтида, отишда – снарядни қўйиб юборишда ва ҳ.к.); бунда тезлик динамикасини спортчининг ўзи танлайди (масалан, у ҳаракатни бироз тезроқ ёки секинроқ бошлаши мумкин). Иккинчи ҳолда бутун ҳаракатни максимал тезлик билан (энг қисқа вақт ичида) бажариш зарур (масалан, спринтерлик югуриш). Бу ерда ҳам натижа тезлик динамикасига боғлиқ бўлади. Масалан, спринтер югуришида энг яхши натижага стартдаги югуришнинг алоҳида қисмларидаги оний тезликлар шу одам учун максимал бўлганда эришилади.

Максимал тезликда бажариладиган кўпгина ҳаракатларда иккита фаза ажаратиб кўрсатилади; 1) тезликнинг (стартдаги югуришнинг) ошиш фазаси; 2) тезликнинг нисбий турғунлашуви (49 – расм).

Стартдаги тезланиш биринси фазани, дистанциядаги (масофавий) тезлик – иккинчи фазани тавсифлайди. Шундай қилиб, спринтер югуришдаги тезлик эгри чизиғи қуйидаги формула орқали ифодалниши мумкин:

$$v(+)=v_m(1-e^{-kt})$$

бу ерда $v(+)$ - тезликнинг t вақтидаги қиймати, V - тезликнинг максимал қиймати, l – натурал логарифм асоси; k – атрофдаги тезликни тавсифловчи индивидуал кўрсаткич. k – қанча катта бўлса, спортчи ўз максимал тезлигига шунчалик тез эришади. V_m ва k қийматлари ўзаро бир – бирига ўхшамайди ва боғлиқ бўлмайди. Бошқача айтганда ўзининг максимал тезлигига жуда тез эришиш қобилияти ва катта тезлик билан ҳаракатланиш қобилияти нисбатан бир – бирига боғлиқ эмас. Ҳақиқатдан ҳам, энг кучли спринтерлар ўзининг максимал тезлигига ёш югутирувчи каби – стартдан тахминан 5-6 с дан кейин эришади. Яхши старт тезланишига ва дистанция тезлигига эга бўлиши мумкин ва аксинча. Спортнинг бир турида старт тезланиши асосий ҳисобланади (баскетбол, теннис, хоккей), бошқа турида дистанция тезлиги (узунликка сакраш), учинчи турда у ҳам, бу ҳам муҳим бўлиши мумкин (спринтер югуриши).

28.3. Кучнинг ўзгариш тезлиги.

(Куч градинти).

“Тезлик” – сўзи нафақат жисмнинг ёки ўзгариш тезлигини, балки бошқа кўрсаткичларнинг ҳам ўзгариш тезлигини белгилаш. (масалан, ҳарорат ўзгаришининг тезлиги ҳақида гапириш мумкин) учун қўлланилади. Инсон бир урунишда намоён қиладиган куч таъсири узлуксиз ўзгариб туради. Бу эса кучнинг ўзгариш тезлини куч градинтини ўрганиш заруратини туғдиради. Куч градинти мумкин қадар қисқа вақт ичида катта куч намоён қилиш зарур бўлган ҳоллардаги ҳаракатни ўрганишда жуда муҳим.

Куч градинтининг математикадаги қиймати кучдан вақт бўйича биринчи тартибли хосилага тенг: $\frac{dF}{dt}$.

Кучнинг бир марталик “портлаб” кучайиши ва зудлик билан сустлашуви ўсиш эгри чизиғи 50 – расмда келтирилганидек кўринишга эга бўлади. Куч градинтини миқдорий тавсифлаш учун одатда қуйидаги кўрсаткичларнинг биридан фойдаланилади:

1) максимал кучнинг ярмига тенг кучга эришиш вақти ($t_{0.5-мак}$). Кўпинча айнан шу кўрсаткич куч градинти деб аталади (бундан сўз ифодаси ўзининг қисқалиги билан қулай, бироқ унчалик эмас);

2) $\frac{F_{мак}}{t_{мак}}$ бўлинма. Бу кўрсаткич тезлик куч индекси деб аталади. У 50 – расм тангенсига тенг.

Гап спортчи танасининг силжиши (кўчиши) ҳақида боғанда, реактивлик деб аталувчи коэффицентидан фойдаланиш қулай (Ю.В.Верхошанкий бўйича):

$\frac{F_{мак}}{t_{мак}}$ спортчи оғирлиги.

Кучнинг ўсиш тезлиги тез ҳаракатларда катта рол ўйнайди. Уннинг амалий ахамиятини 50 – расмдан тутшуниш осон унда иккита спортчи

намоён қилдиган кучларнинг эгри чизиқлари – А ва Б келтирилган. А спортчида – максимал тезлиги катта ва куч градиенти паст, Б спортчида эса, аксинча, куч градиенти юқори, максимал куч имкониятлари унча катта эмас. Ҳаркат узок давом этганда ($t > t_3$) ҳар иккала спортчи ўз максимал кучини намоён қилишига улгуради, устунлик эса кучлироқ спортчи А томонида бўлади. Агар ҳаракатни бажариш вақти жуда қисқа бўлса (t_1 дан камроқ, 51-расм), у ҳолда устунлик Б спортчи томонида бўлади.

Спортчининг малакаси ошган сайин ҳаракатни бажариш вақти қисқариб боради ва шунинг учун ҳам куч градиентининг роли янада муҳимроқ бўлиб қолади.

28.4. Куч ва тезлик сифатлари ўртасидаги параметрик ҳамда но параметрик боғлиқликлар.

Агар спортчи бир ҳаракатни бир неча марта бажарса (масалан, тўпни турган жойдан улоқтириш) ва ҳар бир урунишда энг яхши натижа кўрсатишга интиلسа, ҳаракатли топшириқ параметрлари ўзгарса (хусусан, тўп оғирлиги), у ҳолда тўпга қўйилган куч таъсирининг катталиги ва тўпнинг учиш тезлиги бир – бирига параметрик боғлиқ бўлади (26 - §, 45-расмга қ).

Машқлар таъсирида “куч – тезлик” параметрик боғлиқлик турлича ўзгариши мумкин. Бу спортчи қандай машқ воситаларидан фойдаланиши билан аниқланади (52-р).

Ўртача қаршиликли ҳаракатларда тезликнинг ўсиши (масалан, реал спорт шароитларида шахсий тана ёки снаряднинг оғирлиги ва массаси шундай қаршилик бўлиши мумкин) куч ва тезлик сифатларининг турлича нисбатларида юз бериши мумкин: бир ҳолда тезлик сифатларининг ўсиши (v_{mm}) ҳисобига (52-а-расм), бошқа ҳолларда куч сифатларининг ўсиши ҳисобига (E_{mm}), (52-б-р).

Машқ пайтида тезлик кўпсаткичларнинг ошишининг қайси йўли фойдали бўлиши кўпгина сабабларга боғлиқ бўлади (спортчининг ёши, машқ стажи, спорт тури ва б) ва хусусан спортни егиб ўтиш керак бўладиган қаршилик катталигига (F_{mm} дан % ҳисобига) боғлиқ бўлади: у қанчалик катта бўлса, куч сифатларининг ошиши шунчалик муҳим. Бу нарса хусусан қаршилик ҳар хил бўлганда спортчининг куч сифатлари кўрсаткичлари (F_{mm}) ҳамда ҳаракатни бажариш тезлиги (V_m) орасидаги непараметрик боғлиқликларни катталиклари билан тасдиқланди. Масалан, тажрибаарнинг бирида (Ю.И.Смирнов) коэффеицентлари тенг бўлган: оғирлаштиришсиз – 0.131, 1 кг га оғирлаштирилганда – 0.327, 3 кг га оғирлаштирилганда – 0.630, 1 кг га оғирлаштирилганда – 0.824.

Шунинг учун ҳам энгиш керак бўладиган қаршиликнинг катталиги қанча катта бўлса, машқда тезликни (V_m) куч кўрсаткичларининг ошиши ҳисобига (F_{mm}) орттириш шунчалик мақсадга мувофиқдир.

28.5. Ҳаракат реакцияларининг биомеханк жихатлари

Ҳаракат реакциялари оддий ва мураккаб турларга ажратилади. Оддий реакция – бу аввалдан маълум бўлган ҳаракат билан давоб бериш. Силуэтга пистолетдан тезлик билан отиш, чопишда старт бериш ва ҳ.к. бунга мисол бўлади. Қолган барча турдаги реакциялар – қандай сигнал бўлиши ва бу

сигналга қандай жавоб қайтариш кераклиги аввалдан маълум бўлмаган ҳолларда – мураккаб реакциялар деб аталади. Ҳаракат реакцияларида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

А) сенсор фазаси – сигнал пайдо бўлиши пайтидан мускул фаоллигининг биринчи белгиларгача (одатда улар ЭФГ га, яъни тегишли мускул гуруҳларида электр фаоллигининг пайдо бўлишига қараб) қайд этилади;

Б) премер фазаси (электромеханик интервал – ЭМИ) – мускулларнинг электр фаоллиги пайдо бўлишидан ҳаракатнинг бошланишигача. Бу компонент энг турғун бўлиб, 25-60 мс ни ташкил этади.

В) мотор фазаси – ҳаракат бошланишидан тургунгача (масалан, тўпни зарб билан урилгунча).

Сенсор ва премотор компонентлар реакция қайтаришининг патент вақтини ҳосил қилади.

Спорт маҳоратини ошиши билан ҳам мотор компонентларнинг давомийлиги мураккаб реакцияларда қисқаради. Бироқ биринчи навбатда сенсор фаза қисқаради (спортчи қадар қабул қилиш учун камроқ вақт керак бўлади), бу эса ҳаракатни янада аниқ хотиржам ва ишонч балн бажариш имкониятини беради. Шу билан бирга у қанчалик қисқармасин, реакция объектини (тўп, рақиб ва ҳ.к.) кузатиш имконига эга бўлиши лозим. Ҳаракатланувчи объект кузатиш майдонига тушганда, кўзлан уни кузатгандек ҳаракатлана бошлайди. Кўзларнинг бу ҳаракати автоматик юз беради ва ўз – ўзидан тўхтатилиши мумкин эмас (тан олиш керак, юқори классдаги спортчиларда бундай тажриба ўтказилмаган; улар буни бажара олишлари ҳам мумкин). Кўзларнинг кузатувчи ҳаракати бошланишидан тахминан 120 мс дан сўнг объектнинг ҳаракатланиш ва ўша ерда “тутиб олиши” мумкин бўлган жойга томонга бошининг тезроқ бурилиши юз беради. Бошнинг бурилиш ҳам шундай автомат ҳолда ҳамда юз беради (хатто тўпни ёмон тутадиган).